

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.16/30.12.2019.Қ/Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ВАФАЕВ ОЙБЕК ШУКУРЛАЕВИЧ**

**НЕФТ ВА ГАЗ САНОАТИ УЧУН САМАРАЛИ ДЕПРЕССОР  
ҚЎШИМЧАЛАР, МАХСУС СУРКОВ МОЙЛАРИ ВА КОРРОЗИЯГА  
ҚАРШИ ҚОПЛАМАЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2024**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

**Вафаев Ойбек Шукурлаевич**

Нефт ва газ саноати учун самарали депрессор қўшимчалар, махсус сурков мойлари ва коррозияга қарши қопламалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ..... 3

**Вафаев Ойбек Шукурлаевич**

Разработка технологии получения эффективных депрессорных присадок, специальных смазок и антикоррозионных покрытий для нефтегазовой промышленности..... 31

**Vafayev Oybek Shukurlayevich**

Development of technology for producing effective depressant additives, special lubricants and anti-corrosion coatings for the oil and gas industry..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 63

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ВАФАЕВ ОЙБЕК ШУКУРЛАЕВИЧ**

**НЕФТ ВА ГАЗ САНОАТИ УЧУН САМАРАЛИ ДЕПРЕССОР  
ҚЎШИМЧАЛАР, МАХСУС ЗИЧЛАШТИРУВЧИ СУРКОВ МОЙЛАРИ  
ВА КОРРОЗИЯГА ҚАРШИ ҚОПЛАМАЛАР ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2024**

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.DSc/Т699 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tktiti.uz](http://www.tktiti.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.zivonet.uz](http://www.zivonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Джалилов Абдулахат Турапович**  
кимё фанлари доктори, профессор, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Каримов Масьуд Убайдулла ўғли**  
техника фанлари доктори, профессор

**Бердиев Санжар Алланазарович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Адизов Бобиржон Замирович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро муҳандислик – технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил « 11 » декабрь соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111116, Тошкент тумани, Иброт МФЙ., Шўробозор. Тел.: (+99895) 144-67-83, E-mail: [ooo\\_tniixt@mail.ru](mailto:ooo_tniixt@mail.ru), [TKTITI@exat.uz](mailto:TKTITI@exat.uz)).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№2024/36 рақами билан рўйхатга олинган Манзил: 111116, Тошкент тумани, Иброт МФЙ., Шўробозор. Тел.: (+99895) 144-67-83, E-mail: [ooo\\_tniixt@mail.ru](mailto:ooo_tniixt@mail.ru), [TKTITI@exat.uz](mailto:TKTITI@exat.uz)).

Диссертация автореферати 2024 йил « 29 » ноябрь куни тарқатилди.  
(2024 йил « 29 » ноябрдаги 2024/36 рақамли реестр баённомаси).



**А.С. Максумова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
к.ф.д., проф

**Ш.Н. Қиёмов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
т.ф.д. DSc., к.и.х.

**Х.С. Бекназаров**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда нефт ва газ саноати учун ишлаб чиқариладиган депрессор қўшимчалар дизел ёқилғиларининг қотиш ҳароратини яхшилашда, филтрланишнинг чегаравий ҳароратини ва хиралашиш ҳароратини пасайтиришда, зичлаштирувчи сурков мойлари юқори босимли газ қувурларининг қопқоқли мосламаларида, коррозияга қарши қопламалар нефт ва газ саноатида қўлланилувчи металл қувурларининг коррозиясини олдини олишда ва уларнинг хизмат муддатини узайтириш мақсадида кенг қўлланилмоқда. Шунга кўра, депрессор қўшимчалар, зичлаштирувчи сурков мойлари ва коррозияга қарши қопламалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда нефт ва газ саноатида металллар коррозиясини олдини олиш учун қопламалар, газ қувурларидаги қопқоқли мосламалар учун зичлаштирувчи махсус сурков мойлари ва дизел ёқилғиси учун самарали депрессор қўшимчалар олишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, депрессор қўшимчалари дизел ёқилғиларининг физик – механик хусусиятларини яхшилаш, сифатли дизел ёқилғиларини ишлаб чиқаришда қўллашга, литий асосидаги зичлаштирувчи сурков мойлари газ қувурларининг қопқоқли очиш–ёпиш мосламаларини узоқ муддат хизмат қилишига, эпоксиполиуретанлар асосида коррозияга қарши қопламалар олишнинг ресурс-тежамкор технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда, инновацион технологияларни татбиқ этиш орқали саноат объектларини юритишнинг илмий асосланган тизими ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг чора-тадбирларини амалга оширишга катта эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026-йиллардаги тараққиёт стратегиясида “Иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланган ҳамда маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот ва технологияларни яратиш”<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини, жумладан, кимё саноатини ривожлантиришга йўналтирилган органик синтез асосида нефт ва газ саноати учун депрессор қўшимчалар, сурков мойлари ва коррозияга қарши қопламалар ишлаб чиқариш бўйича юқори самарали ҳамда экологик тоза технологияларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги Фармонида ва ПҚ-436-сонли “Ўзбекистон Республикасини 2030-йилгача “яшил” иқтисодиётга ўтишга қаратилган

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

ислоҳотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2018-йил 17-январдаги ПҚ-3479-сонли “Мамлакат иқтисодиёти тармоқларини талаб қилинадиган маҳсулотлар ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2019-йил 3-апрелдаги “Ислоҳотларни янада ислоҳ қилиш ва инвестициялар ҳажмини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ҳамда ПҚ-4256-сонли “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорларида, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.**

Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Нефть ва газ саноати учун янги, самарали депрессор қўшимчалар, махсус сурков мойлари ва коррозияга қарши қопламалар тизимларни ҳамда улар асосидаги композицион материалларни олиш ва улардан фойдаланишга қаратилган илмий тадқиқотлар, хусусан, таркибида литий сақлаган зичлаштирувчи сурков мойлари ва эпокси полиуретан олигомерлар синтези бўйича жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот институти ва олий ўқув юртларида, жумладан: Массачусетс технология институти (АҚШ), Пенсилвания университети (АҚШ), Полимер ва материаллар технологияси маркази – ПМТМ (Бельгия), Пекин технология институти (Хитой), Сингапур Миллий университети - СМУ (Сингапур), Токио университети (Япония), Токио технология институти (Япония), Торонто университети (Канада), Австралия миллий университети (Австралия), Сеул миллий университети (Жанубий Корея), Киото университети (Япония), Мюнхен техника университети (Германия), Венгрия Фанлар академиясининг кимёвий тадқиқотлар марказида олиб борилмоқда.

Таркибида мураккаб полиэфир боғларини тутган депрессор қўшимчалар, махсус сурков мойлари ва коррозияга қарши қопламалар синтез қилиш ва уларни ишлаб чиқариш технологияларини модернизация қилиш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар юзасидан бир қатор илмий натижалар олинган, жумладан: полиакрил кислотаси, малеин ангидрид ва турли кутбли ароматик занжирлари бўлган мономерларидан нефть ва газ саноати учун қўлланиладиган депрессор қўшимчалар олинган (Ляочен университети, Ляочен, Хитой); депрессор қўшимчаларнинг технологик ва эксплуатацион хоссаларига углеводородлар таркибининг таъсири аниқланган (Россия давлат

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи [www.elsevier.com](http://www.elsevier.com), [www.issr.rssi.ru](http://www.issr.rssi.ru), [www.eilbrary.com](http://www.eilbrary.com), [www.edunews.ru](http://www.edunews.ru), <https://scholar.google.com/>, [www.fundamentalresearch.ru](http://www.fundamentalresearch.ru) ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

нефть ва газ университети, Россия); кўп атомли спиртларнинг мураккаб эфирлари асосида самарали депрессор кўшимчалар синтез қилинган (Россия давлат нефть ва газ университети, Россия); тупроқ таркибидаги намлик, ишқорий ва кислотали муҳит мавжуд бўлганда пайдо бўладиган коррозия ва тупроқдаги бактериялар сабаб бўладиган коррозия турлари аниқланган (Хитой нефть университети, Пекин, Хитой); коррозиянинг олдини олиш учун полимер қопламалар синтез қилинган ва электрокимёвий коррозия механизмлари ишлаб чиқилган (Уинсор университети, Онтарио, Канада); юқори ҳароратларда қўллаш учун қаттиқ сурков мойлари олинган (Марказий машинасозлик илмий–тадқиқот институти, Дургапур, Ҳиндистон).

Жаҳонда нефть ва газ саноати учун самарали депрессор кўшимчалар, махсус сурков мойлари ва коррозияга қарши қопламалар синтез қилиш ва уларни ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш бўйича қатор устивор йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда, жумладан: дизель ёқилғиларинг паст ҳарорат хусусиятларини яхшилайдиган ва бошқа хусусиятларига салбий таъсир кўрсатмайдиган олигомер депрессор кўшимчалар синтез қилиш, мустаҳкам адгезия, коррозия ва емирилишга юқори чидамликни намоён этувчи қопламалар синтез қилиш, юқори деформацион мустаҳкамликка эга полимер материаллар олиш учун эпоксид смолаларини турли реакцион фаол функционал гуруҳларга эга олигомерлар билан модификациялаш, статик ва динамик таъсирларга мустаҳкамлик, кимёвий барқарорлик, каби техник хусусиятларни мужассамлаштирган полимерлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва юқори босимдаги магистраль газ қувурларидаги очиш ёпиш мосламаларида газ сизиб чиқишининг олдини оловчи махсус сурков мойларини синтез қилиш технологиясини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда нефть ва газ саноати учун самарали депрессор кўшимчалар, махсус сурков мойлари ва коррозияга қарши қопламалар синтез қилиш ва уларни ишлаб чиқариш технологияларини модернизация қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар юзасидан бир қатор илмий натижалар олинган, жумладан Шанхай технология институти олимлари Минся Юань, Юань Сюэ, Хуалин Линь, Шен Хань тошонидан дизель ёқилғиси учун депрессор кўшимча сифатида турли хил моляр нисбатларда тетрадецилметакрилат-со-цианмамид (C14МС-СА), тетрадецилметакрилат-со-н-фенилакриламид (C14МС-НПА) ва тетрадецилметакрилат-со-н-метилолакриламиднинг (C14МС-НМА) учта сополимери олинган (Хитой). Миср нефть илмий тадқиқот институти тадқиқотчиси Самех А. Элбанна депрессор кўшимча сифатида стирол, стирол гексадецилакрилат малеин ангидрид асосида терполимер синтез қилган (Миср). Загреб университети олимлари Иван Пучко, Марко Рачар ва Фабио Фарагуна дизель ёқилғисининг паст ҳароратли хусусиятлари таъсирига кўра таркибида трет-бутиламиноэтилметакрилат бўлган метакрилат асосидаги полимер кўшимчаларининг синтези, тавсифи ва самарадорлигини аниқлаганлар. Томск политехника университетининг Алина Титаева

рахбарлигидаги бир гуруҳ олимлар томонидан депрессор қўшимчалар асосида дизель ёқилғиларининг паст ҳарорат хусусиятларини яхшилаш усулини ишлаб чиқилган (Россия). Уинсор университети тадқиқотчилари Хорхе Виллафуэрте, Дмитрий Джуринский, Е. Маева ва Вольф Дешинскийлар коррозиянинг олдини олиш учун электрокимёвий ўлчовлар асосида қопламаларнинг микроструктуралари ва электрокимёвий хоссалари ўрганганлар ҳамда қопламалар ва микро тузилмаларнинг электрокимёвий коррозия механизмларини аниқлаганлар.

Республикада Джалитов А.Т., Нуркулов Ф.Н., Асқаров М.А., Сайдахмедов Ш.М. каби олимлар ва уларнинг илмий мактабларида нефть – газ саноатида қўлланилувчи сурков мойларининг янги турларини яратиш, коррозияга қарши қопламаларнинг турли агрессив муҳитларга чидамли турларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Норметова Г.Р., Салимов З.С., Максумова О.С., Фозилов С.В., Мавлонов Б.А. ва бошқа олимлар томонидан ёқилғи ишлаб чиқариш саноатида чуқур ўрганилмаган қўшимчаларнинг ёнилғи билан мослиги, қўшимчаларнинг ёқилғи сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш ҳамда ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга қаратилган кенг илмий изланишлар олиб борилмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И-2017-7-4 “Маҳаллий хом ашёлар асосида янги самарали депрессорлар ишлаб чиқариш ва қўллаш технологияси” (2018-2020 йй), №А-БТ-2021-17 “JARKURGON NEFT QAYTA ISHLASH” ҚКда ишлаб чиқариладиган «JNQ Печ ёқилғиси» (Tsh 19432593-001:2014) маҳсулотининг қотиш ҳароратини «минус» 15 °С дан юқори бўлмаган ҳароратгача пасайтирадиган депрессор қўшимчасини (присадкани) маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқариш технологиясини яратиш” (2020-2021) ҳамда №ИЛ-21091437 “Нефть ва газ корхоналарининг яроқсиз қувурлари ва резервуарларини тиклаш ва коррозиядан ҳимоя қилиш учун юқори физик-механик мустаҳкамлик ва коррозияга қарши хусусиятларга эга полимер қопламалар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш” (2023-2025 йй) мавзуларидаги амалий ва инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида нефть ва газ саноати учун самарали депрессор қўшимчалар, махсус сурков мойлари ва коррозияга қарши қопламалар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида самарали депрессор қўшимчалар, махсус сурков мойлари ва коррозияга қарши қопламалар синтез қилиш усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек, уларнинг тузилиши ва физик-кимёвий хусусиятларини тадқиқ қилиш;

саноат миқёсидаги технологияни яратиш учун самарали депрессор қўшимчалар, махсус сурков мойлари ва коррозияга қарши қопламалар ишлаб чиқаришнинг технологик параметрлари ҳамда мақбул шароитларини аниқлаш;

олинган депрессор қўшимчаларининг дизел ёқилғисидаги самарадорлигига таъсир қилувчи асосий омилларни аниқлаш;

дизель ёқилғисининг асосий сифат кўрсаткичи бўлган қотиш ҳароратига депрессор қўшимчасининг кимёвий таъсирини аниқлаш;

эпокси полиуретан асосида коррозияга чидамли материаллар ва қопламалар олиш, уларнинг кимёвий, эксплуатацион, адгезион ва деформацион-мустваҳкамлик хусусиятларини аниқлаш;

самарали депрессор қўшимчалар, махсус сурков мойлари ва коррозияга қарши қопламалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида иккиламчи полиэтилентерефталат, глицерин, 12-гидроксистеарин кислота, этиленгликол, кастор мойи, эпоксид қатрони, стеарин кислотаси, қотиш ҳароратига депрессор қўшимчасининг кимёвий таъсири, қоплама ҳосил қилиш қобилияти, коррозияга чидамлилиги ва деформацион-мустваҳкамлик кўрсаткичлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** депрессор қўшимчалар, махсус сурков мойлари ва коррозияга қарши қопламаларнинг таъсир механизмини аниқлаш, турли концентрация, ҳарорат ва муҳитларда ишлаш самарадорлигини тадқиқ қилиш, шунингдек ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида олинган депрессор қўшимчалар, махсус сурков мойлари ва коррозияга қарши қопламалар ИҚ спектроскопияси, газ хроматографияси-масс-спектрометрияси, физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини ўрганишнинг назарий ва экспериментал усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида янги самарали депрессор қўшимчалар, махсус сурков мойлари ва коррозияга қарши қопламалар синтез қилинган ва синтез жараёнининг мақбул шароитлари ишлаб чиқилган;

иккиламчи полиэтилентерефталат асосидаги депрессор қўшимчаси дизель ёқилғисининг паст ҳароратли хусусиятларига ҳамда дизель ёқилғисининг физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини таъминлайдиган концентрация диапазонлари аниқланган;

таркибида литий сақлаган махсус зичлаштирувчи сурков мойларининг физик-кимёвий, термик барқарорлик ва эксплуатацион хоссалари аниқланган;

синтез қилинган депрессор қўшимча дизель ёқилғисига 0,1% қўшилганда дизель ёқилғисининг музлаш ҳарорати минус 10 °С дан минус 33°С га тушириши исботланган;

эпоксиполиуретан асосидаги антикоррозион қопламалар олиш технологияси ишлаб чиқилган ҳамда уларнинг агрессив муҳитларга чидамлик, адгезион, деформацион-мустаҳкамлик хоссалари аниқланган;

иккиламчи полиэтилентерефталат асосидаги депрессор қўшимчаси қозонхона ёқилғисига 0,1% қўшилганда қозонхона ёқилғисининг музлаш ҳарорати плюс 15<sup>0</sup>С дан минус 15<sup>0</sup>С га тушириши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида янги самарали депрессор қўшимчалар, махсус сурков мойлари ва коррозияга қарши қопламалар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

дизель ёқилғисини паст ҳароратда қўлланганда ёзги дизель ёқилғисининг паст ҳароратли хусусиятларини яхшилаш учун қотиш ҳароратини пасайтирувчи самарали депрессор қўшимчасининг таъсирлашув жараёни технологик шартларининг кўрсаткичлари аниқланган;

эксплуатацион омилларга қараб ёзги дизель ёқилғисига қотиш ҳароратини пасайтирувчи депрессор қўшимчасини киритиш усули ишлаб чиқилган;

эпокси полиуретан асосида турли агрессив муҳитларга чидамлик ҳамда деформацион мустаҳкамлик хусусиятларга эга коррозияга чидамлик қопламалар олинган;

ишлаб чиқилган тавсияларнинг апробациясига асосланиб, базавий дизель ёқилғисида депрессор қўшимчасидан фойдаланиш дизель ёқилғисининг иш фаолиятини ошириши ва қишда дизель двигателларининг муаммосиз ишлашини таъминлаши илмий исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** юқори инфорацион замонавий кимёвий, физик-механик ва физик-кимёвий усулларида (ИК-спектроскопияси, газ хроматографияси-масс-спектрометрияси) эксплуатацион хоссаларини ўрганишнинг назарий ва экспериментал усуллардан фойдаланилганлиги ҳамда депрессор қўшимчалар, махсус сурков мойлари ва коррозияга қарши қопламалар олиш технологияларининг ишлаб чиқилганлиги ва уларнинг саноат-тажриба амалиётларида синовдан ўтказилганлиги ва ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти самарали депрессор қўшимчалар, махсус сурков мойлари ва коррозияга қарши қопламаларни синтези амалга оширилганлиги, шунингдек, жараён боришига турли омилларнинг таъсири, мақбул шароитлари аниқланганлиги, ҳамда физик-механик ва физик-кимёвий хусусиятларига комплекс таъсир қилувчи маҳсулотлар олиш усуллари аниқланганлиги, шунингдек илмий-тадқиқот натижаларини асосида такомиллаштирилган, комплекс хусусиятларга эга коррозияга чидамлик материаллар олишнинг илмий асослари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган самарали депрессор қўшимчалар дизель ёқилғисининг қотиш ҳароратига таъсири, махсус сурков

мойлари газ қувурларининг қопқоқли очиш–ёпиш мосламаларини узок муддат хизмат қилишига ва коррозияга қарши қопламалар сифатида жорий этилганлиги, шунингдек нефть ва газ саноатнинг кўплаб соҳаларида қўлланиладиган технологик схемага мувофиқ, саноат миқёсида олишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Самарали депрессор кўшимчалар, махсус сурков мойлари ва коррозияга қарши қопламалар ишлаб чиқариш ва уларни қўллаш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

қозонхона ёқилғиси учун ккиламчи полиэтилентерефталат ва глицерин асосидаги депрессор кўшимчалар “Petromaruz Uzbekistan” хорижий корхонасининг қозонхона ёқилғиси тайёрлаш жараёнида амалиётга жорий қилинган (“Petromaruz Uzbekistan” МЧЖ ХК нинг 2023-йил 11-декабрдаги маълумотномаси). Натижада, депрессор кўшимча қозонхона ёқилғисига 0,1% кўшилганда қозонхона ёқилғисининг музлаш ҳароратини плус 15 °С дан минус 15 °С га тушириш имконини берган;

дизел ёқилғиси учун гидроксил сақловчи олигомерлар асосидаги депрессор кўшимчалар “Petromaruz Uzbekistan” хорижий корхонасининг ёқилғи ишлаб чиқариш цехда амалиётга жорий қилинган (“Petromaruz Uzbekistan” МЧЖ ХК нинг 2023-йил 11-декабрдаги маълумотномаси). Натижада, депрессор кўшимча дизель ёқилғисига 0,1% кўшилганда дизель ёқилғисининг музлаш ҳароратини минус 10 °С дан минус 33 °С га тушириш имконини берган;

маҳаллий хомашёлар асосидаги депрессор кўшимчалар олиш технологияси “Petromaruz Uzbekistan” хорижий корхонасида амалиётга жорий қилинган (“Petromaruz Uzbekistan” МЧЖ ХК нинг 2023-йил 11-декабрдаги маълумотномаси). Натижада, турли ёқилғиларга мўлжалланган, импорт ўрнини босувчи депрессор кўшимчалар олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Иш натижалари 12 та, жумладан 8 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилиниб муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.**

Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан докторлик (DSc) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган нашрларда 13 та мақола, жумладан 9 та республика ва 4 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объектлари ва предметлари,

Ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, ўтказилган тадқиқотларнинг ишончлилиги, апробацияси ва натижаларнинг нашр қилиниши, диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Нефт ва газ саноати учун самарали қўшимчалар, сурков мойлари ва коррозияга қарши қопламалар олишнинг замонавий истиқболлари”** деб номланган биринчи бобда дизел ёқилғисининг паст ҳароратли хусусиятларини углеводород таркиби билан ўзаро боғлиқлиги ва паст ҳароратли хусусиятларини яхшилаш усуллари ҳамда уларга қўйиладиган замонавий талаблар, дизел ёқилғиси учун депрессор қўшимчаларни углеводород таркиби ва хусусиятлари ҳамда уларнинг ривожланиш тенденциялари, иккиламчи полиэтилен терефталатни кимёвий қайта ишлаш асосида депрессор қўшимчаларни олиниши ва хусусиятлари ҳамда уларнинг қўлланилиши бўйича илмий изланишлар муҳокама этилган ва ушбу боб бўйича хулоса келтирилган.


Диссертациянинг **“Маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида олигомер депрессор қўшимчалар, сурков мойлари ва коррозияга қарши қопламалар олиш ҳамда физик кимёвий хоссаларини ўрганиш”** деб номланган иккинчи бобда тадқиқот объектларининг хоссалари ва қўлланилган усуллар, иккиламчи хом- ашёлар асосида олигомер депрессор қўшимчаларни олиш ҳамда физик –кимёвий хоссаларни тадқиқ этиш, полиэтилентерефталат асосидаги ишлаб чиқарилган депрессор қўшимчалари физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш, нефт ва газ қувурларини тупроқ коррозиясидан химояловчи полимер қопламаларни олиш ҳамда хусусиятларини тадқиқ этиш, таркибида литий бўлган зичлаштирувчи сурков мойларини олиш ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари тадқиқ этилган ҳамда ушбу боб бўйича хулоса келтирилган.

**Полиэтилентерефталат асосидаги ишлаб чиқарилган депрессор қўшимчалари физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш.** Техника ва технологиянинг ривожланиши турли хил эксплуатацион материалларга, шу жумладан юқори сифатли ёқилғига бўлган эҳтиёжни оширди. Ёқилғи сифатини стандартларнинг қатъий талабларига етказиш учун ишлатиладиган қўшимчалардан фойдаланиш ҳозирги вақтда тижорат ёқилғиларини, биринчи навбатда дизелни ишлаб чиқариш учун зарур шартдир.

Иккиламчи полиэтилен терефталатлар асосида депрессор қўшимча қўшимчалар ишлаб чиқаришни ривожлантириш куйидагича амалга оширилади: тўрт оғизли колба, механик аралаштиргич, инерт газни киритиш учун трубка, газга уланган Дина-Старк ловушкаси билан жиҳозланган қайта оқим конденсатори ва термометр. Колбага 1 г-экв эзилган ПЭТ чиқиндилари ва 2-4 г-экв ГЛ (глицерин) солинади. Кучли аралаштириш билан ҳарорат 493К га етказилади ва маълум вақт давомида сақланади. Кейин ҳосил бўлган олигомерик аралашмага стеарин кислотаси қўшилди ва реакция бир хил


масса олинмагунча давом эттирилди. Компонентларнинг олигомер маҳсулотга айланиши (алкоголизм) синтез маҳсулотларини кетма-кет танлаш ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларидаги ўзгаришларни аниқлаш орқали ўрганилди.

Ҳароратнинг ошиши билан кислоталар сонининг кўпайиши реакция маҳсулотларининг термал оксидланиш жараёнларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ.



### 1-расм. Полиэтилентерефталатнинг глицерин билан алкоголизланиши реакция тенгламаси


Полиэтилентерефталатнинг глицерин билан алкоголизланиши (220°C да) жараёнида ҳосил бўлган гидроксил гуруҳни ўз ичига олган олигомерларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўргандик.



1-эфир сони; 2-Ўртача молекуляр оғирлик.

### 2-расм. Гидроксил гуруҳни ўз ичига олган олигомерларнинг физик-кимёвий хоссалари


Тадқиқот натижаларидан (2-расм) шуни кўрсатадики, ҳароратни оширгандан сўнг, эфир сони қийматининг пасайиши, алкоголизнинг бир хил давомийлигида олинган намуналарнинг эриш нуқтаси ва ўртача молекуляр оғирлиги камаяди.



1- Гидрокси́л гуруҳлари таркиби; 2- Кислота сони.

### 3-расм. Гидрокси́л гуруҳни ўз ичига олган олигомерларнинг физик-кимёвий хоссалари

Шундай қилиб, тадқиқотлар шунни кўрсатдики, ГЛ борлигида ПЭТни деструкция қилиш гидрокси́л гуруҳларни ўз ичига олган олигомерик маҳсулотлар ҳосил бўлишига олиб келади. Жараён шароитларига қараб, якуний маҳсулотларнинг хусусиятларини ўзгартириш ва керакли хусусиятларга эга гидрокси́л гуруҳларни ўз ичига олган полиэстерларни олиш мумкин.



### 4-расм. ПЭТ ва ГЛ (1:1) асосида гидрокси́л гуруҳларни ўз ичига олган олигомерларнинг ИҚ спектри

400-3500  $\text{cm}^{-1}$  минтақасида ИҚ ютилиш спектрида бир қатор чўққилар кузатилади. 3100-3500  $\text{cm}^{-1}$  минтақасида максимал 3422  $\text{cm}^{-1}$  бўлган кенг тармоқли кўринади, бу полиассоциациялар ҳосил бўлиши билан молекулалараро водород боғларида иштирок этадиган гидрокси́л гуруҳларининг чўзилган тебранишларига хосдир; елка ва бурилиш кўринишидаги частоталар гидрокси́л гуруҳларининг молекуляр водород боғлари билан чўзилган тебранишларига мос келади; 3078  $\text{cm}^{-1}$  да бурилиш -

пара-алмаштирилган бензол ҳалқасининг метил гуруҳининг чўзилган тебраниши; 2955 ва 2888  $\text{см}^{-1}$  минтақасидаги частоталар -  $-\text{CH}_2$ -метилен гуруҳларининг чўзилган тебранишлари; 1750-2000  $\text{см}^{-1}$  - пара-алмаштирилган ароматик ҳалқанинг тескари тебранишлари; 1722  $\text{см}^{-1}$  да интенсив частота - карбонил гуруҳининг чўзилган тебранишлари; 1687, 1661, 1647  $\text{см}^{-1}$  водород боғларида иштирок этган карбонил гуруҳларининг чўзилиш тебранишларига, 1624, 1587, 1508, 1456  $\text{см}^{-1}$  частоталари эса  $\text{C}=\text{C}$  ароматик скелетининг текислик ичидаги чўзилиш тебранишларига хосдир. 1444  $\text{см}^{-1}$  да бурилиш нуқтаси метилен гуруҳларини назарда тутаяди ва 1412, 1376, 1362, 1346 ва 1276  $\text{см}^{-1}$  да топилган частоталар боғланган  $\text{C}-\text{O}-\text{H}$  гуруҳлари тебранишларига хосдир; 1661 ва 1020  $\text{см}^{-1}$  - спиртли гуруҳларнинг  $\text{O}-\text{H}$  боғланишининг эгилиш тебранишлари; 1111, 1078  $\text{см}^{-1}$  - ароматик ҳалқанинг  $\text{C}-\text{H}$  боғланишининг текис эгилиш тебранишлари ва 883  $\text{см}^{-1}$  да анча кучли алмаштирилган ароматик ҳалқанинг  $\text{C}-\text{H}$  боғининг эгилиш тебранишларини тавсифлайди.

***Депрессор қўшимчаларининг физик – кимёвий хоссаларининг таҳлили.***

Дизел ёқилғисининг паст ҳароратли хусусиятларини яхшилаш катта амалий аҳамиятга эга. Дизел ёқилғисини совутиш пайтида дизел ёқилғисининг хираланиши кузатилади ҳамда парафин углеводородлари кристалланади ва чўкади. Бироқ, бу хираланиш агломерация жараёнидан олдин хавф туғдирмайди, парафин молекулаларининг катта бўлакларда тўпланиши ва филтрга чўкиши туфайли ёқилғи двигателга оқшини тўхтатади.

**1-жадвал**

**Полиэтилентерефталат асосидаги PTGS-1 маркали депрессор қўшимчаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари**

№ п/п	Қўшимча	Кўриниши	Зичлиги 20°C, г/см <sup>3</sup>	Кинематик қовушқоқлик 40°C, мм <sup>2</sup> /с (сСт)	Тк, °С, дан юқори эмас	Фаол модданинг таркиби, %	Мп, 10 <sup>3</sup>
1.	PTGS-1	Очиқ сарикдан тўқ жигарранг-гача ёпишқоқ суюқлик	0,887–0,964	50,0–55,0	+30	93–97	6,1

Ишлаб чиқаришда депрессор қўшимчалари полиэтилентерефталат асосидаги олигомерлар бўлиб, қўшимча таркибида парафин кристаллари юзасида сўрилади ва уларнинг кейинги ўсишига тўсқинлик қилади. Ҳамда депрессорлар қўшимчалар парафин кристалларини барқарор дисперсияга айлантирадиган диспергирловчилар билан бирга паст ҳароратларда дизел ёқилғисининг чўкинди барқарорлигини оширади. Бу қўшимчалар нефтни қайта ишлаш заводларининг юқори талабларига жавоб берадиган тижорат маҳсулотларининг (дизел ёқилғиларининг) сифатини яхшилаш ва хавфсизлик

даражасини оширишга имкон беради; совуқда сақлаш вақтида чўкинди барқарорлигини (фазаларга ажралишига қаршилик қилади) таъминлайди ҳамда дизел ёқилғисининг чегаравий фильтрлаш ҳароратини камайтиришга имкон беради.

2-жадвал.

**Полиэтилентерефталат асосидаги РТЮ-1 маркали депрессор қўшимчаларни физик-кимёвий хусусиятлари**

Кўрсаткич номи	Норма	Аслида	Синов усули
Фаол модданинг масса улуши, оғирлиги бўйича %, кам эмас	87-95	92,4	
Кул таркиби, %	0-3,5	0,5	ГОСТ 1461 ва 10.9 бўйича ҳозирги СТО
Зичлиги 20°C, кг/м <sup>3</sup> , не более	868-992	846	ГОСТ 3900 бўйича
Кинематик қовушқоқлик 100°C, ичида мм/с	7,0-25,0	13,7	ГОСТ 33 бўйича
Реакция муҳити, рН, кўп эмас	2,8	6,5	ГОСТ 11362
Умумий ишқор сони, 1 г қўшимчага мг КОН, кўп эмас	3,0	5,2	ГОСТ 11362 ва 4.2 ҳозирги бўйича СТО
Кислота сони, 1 г қўшимчага мг КОН, кам эмас	1,0	норма	ГОСТ 11362 и п.4.2 ҳозирги бўйича СТО
Қўшимчанинг дизел ёқилғисидан эрувчанлиги	тўлиқ	тўлиқ	
Механик аралашмаларнинг масса улуши, %, кўп эмас	0,10	норма	ГОСТ 6370 ва 4.3 ҳозирги стандарт бўйича
сув сақлаши кўп эмас	-	нормада	ГОСТ 2477 бўйича
Қотиш ҳарорати кўп эмас, °С	10	-8	ГОСТ 20287 бўйича
Тозалик даражаси, 100 г қўшимча учун мг, кўп эмас	3000	2600	ГОСТ 12275 бўйича
Фаол модданинг молекуляр оғирлиги, кўп эмас	3000-5000	3200	

1 ва 2-жадваллардан кўришиб турибдики, депрессор қўшимчанинг зичлиги бироз фарқ қилади, яъни 0,887–0,964 г/см<sup>3</sup> ва 0,846 г/см<sup>3</sup>, депрессор қўшимчанинг фаол моддаси 95-98% ва 92,4% ни ташкил қилади. депрессор қўшимчалар полимерининг молекуляр оғирлиги 3200 тенг эканлиги аниқланди.

**Нефт ва газ қувурларини тупроқ коррозиясидан ҳимояловчи полимер қопламаларни олиш ҳамда хусусиятларни тадқиқ этиш.** Нефт ва газ қувурларини тупроқ коррозиясидан ҳимояловчи полимер қопламаларни эпоксид смоласи асосидаги композитлари олинган ҳамда ушбу олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг № IAP 05464 (16.02.2018) рақамли ихтиро патенти олинган.

Ихтиро турли хил маҳсулотлар ва моддаларни қувурлар орқали ташиш соҳасига, аниқроғи магистрал газ қувурлари, нефт маҳсулотлари қувурлари, канализация қувурлари ва бошқаларни тупроқ коррозиясидан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган изоляцион қопламани ишлаб чиқариш технологиясига тегишли. ТКТТИИ МЧЖ институтида синтез қилинган эпокси полиуретанни ўз ичига олган композициядан фойдаланиш орқали ҳал қилинди. Коррозия

ингибитори госсипол эпокси полиуретанга қўшилади, сўнгра хона ҳароратида қаттиқлаштирилади ва 20-30% хлоросульфонатланган полиэтилен эритмасининг иккинчи қатлами қўлланилади. Шу билан бирга, госсипол қопламанинг антиоксидант хусусиятларини оширади.

Изоляция қилувчи қопламани яратишда керакли техник натижага эришиш учун қуйидаги компонентлар ишлатилган.

- Эпокси полиуретан бутилен диуретан ва этилен диуретан асосида синтез қилинган зарарсиз маҳаллий маҳсулотдир.

- Госсипол - ГОСТ 13979.11-83. Коррозия ингибитори, эпокси полиуретаннинг антиоксидант хусусиятларини оширади.

- Гексаметилендиамин - ГОСТ 32533-2013. Қаттиқлаштиргич, биринчи қатламни қаттиқлаштириш учун ишлатилади.

- Хлоросульфонатланган полиэтилен (ХСПЕ) - оксидланишга чидамли, коррозияга қарши курашда ишлатилади.

- Толуол- ГОСТ5789-78. Эритувчи.

Нефт ва газ қувурларини тупроқ коррозиясидан ҳимоя қилишнинг тавсия этилган усулида изоляцион қопламани яратиш учун юқорида тавсифланган компонентлардан фойдаланиш унинг "саноатда қўлланилишини" аниқланди. Изоляция қопламаларини тайёрлаш усуллари қуйидагича амалга оширилади.

Масса бўйича қисмларга бўлинган таркиб: (EUXP-1)

1.Биринчи қатлам.

Эпоксиполиуретан - 80-90

Госсипол - 3,0-5,0

Гексаметилендиамин -10-20

2.Иккинчи қатлам.

Хлорсульфоланган полиэтилен - 20-30

Госсипол - 2,0-3,0

Толуол - 70-80

Эпоксид смоласи асосидаги ёнғиндан ҳимояловчи антикоррозион полимер қопламаларни янги таркиблари:

№1 (EUXP-2)

1.ЭД-20

2.ПЭПА

3. Бутилендиуретан

4. IAP 05216 (Олигомер антипирен)

№2 (EUXP-3)

1.ЭД-20

2.ПЭПА

3. Бутилуретан

4.IAP 05216 (Олигомер антипирен)

Изоляцион қопламалар – 40<sup>0</sup>С дан + 100<sup>0</sup>С гача бўлган ҳарорат оралиғида иссиқлик изоляцияси, диэлектрик хусусиятларга эга ва яхши эластикликка эга ҳамда кимёвий муҳитга, атмосфера таъсирига, қуёш нурланишига ва тупроқ коррозиясига чидамлилигига жуда чидамли (3-жадвал).

**Нефть ва газ қувурлари қопламаларининг асосий физик-кимёвий хоссалари**

№	Кўрсаткичлар номи	1- мисол		2- мисол		3- мисол		4- мисол	
		1.Биринчи қатлам	2.Иккинчи қатлам	1. Биринчи қатлам	2. Иккинчи қатлам	1. Биринчи қатлам	2. Иккинчи қатлам	1. Биринчи қатлам	2. Иккинчи қатлам
1	Ташқи кўриниши ва ранги	Шаффо ф	Хантал ранги	Шаффо ф	Хантал ранги	Шаффо ф	Хантал ранги	Шаффо ф	Хантал ранги
2	Зиялиги, г/см <sup>2</sup>	1,05	1,16	1,12	1,15	1,05	1,16	1,12	1,15
3	Ҳарорат оралиғи	-40... +100°С	-40 ... +100°С	-40 +100°С	-40... +100°С	-40... +100°С	-40 ... +100°С	-40 +100°С	-40... +100°С
4	Эластик тикланиш даражаси, %	85-95	90-100	85-95	90-100	85-95	90-100	85-95	90-100
5	Нефть маҳсулотларига а чидамлилиқ	Бензин, нефть маҳсулотларига чидамли, битум эритмасига бардошли							
6	Сувга чидамлилиқ	**	***	**	***	**	** *	**	***
7	Ишқаланишга чидамлилиғи	**	***	**	***	**	** *	**	***
8	УБ ва озон га чидамлилиғи	**	***	**	***	**	** *	**	***
9	Замбуруғларга чидамлилиқ	***	***	***	***	**	** *	***	***
10	80 ° С да қуритиш вақти. кейинги қатламни қўллашдан олдинги намлик	10	-	10	-	10	-	10	-
	+20°С да соат	24	-	24	-	24	-	24	-
12	Коррозияга чидамлилиқ	***	***	***	***	** *	** *	***	***
13	ёпишиш, балл	1	1	1	1	1	1	1	1

\*\*\*ажойиб, \*\* юқори, \* ёмон.


**Таркибида литий бўлган зичлаштирувчи сурков мойларни олиш ва хоссаларни таҳлил қилиш.** Литийли совун ва чиқинди мойининг моляр нисбатининг ҳосил бўлган литийли зичлаштирувчи сурков мойларининг

хусусиятларига таъсири 4-жадвалда келтирилган. Кам миқдордаги литийли совун билан олинган зичлаштирувчи сурков мойлари юқори маханик параметрларга эга эмас ва коллоид барқарорлигининг пасайиши билан тавсифланади. Зичлаштирувчи сурков мойи таркибида литийли совуннинг масса нисбати 25% гача кўтарилганда, сурков мойининг ёпишқоқлиги ошади ва коллоид барқарорлиги яхшиланади. Агар сурков мойида совун миқдори 25% гача бўлса, ундаги томчиланиш ҳарорати ҳам юқори булади. Зичлаштирувчи сурков мойларида литийли совуннинг масса нисбатини 10% дан 25% гача оширилганда, аста-секин томчиланиш ҳарорати ошиб боради.

#### 4-жадвал

**Зичлаштирувчи сурков мойининг хусусиятларига таркибидаги литийли совун миқдорининг таъсири.**

Хусусиятлари	Масса нисбати			
	10:90	15:85	20:80	25:75
<b>Чегаравий мустаҳкамлик, Па, да</b>				
<b>50°C,</b>	750	820	860	870
<b>80°C</b>	420	510	630	630
<b>Коллоид барқарорлиги, %</b>	8,4	3,6	3,5	3,2
<b>Томчиланиш харорати, °C</b>	198	230	250	250




#### 5-расм. Ҳароратнинг реакция унумига таъсири.

Литийли совунни олишда ҳароратнинг реакция унумига таъсири ўрганилди. Натижалар шуни кўрсатдики, совунланиш реакциясининг унуми 95-105 °C реакция ҳарорати учун оптималдир. Литийли совун олишда реакция унумига ҳароратнинг таъсири графикларда кўрсатилган.(5-расм).

Сурков мойларининг барча намуналари бир хил технологиядан фойдаланган ҳолда тайёрланган. Гомогенизация 50°C дан юқори бўлмаган ҳароратда амалга оширилди. Сурков мойлари ишлаб чиқарилган кундан камида 5 кун ўтгач таҳлил қилинади.

Диссертациянинг “Маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида олигомер депрессор қўшимчалар, сурков мойларни физик –механик хоссаларини тадқиқ этиш” деб номланган учинчи бобида дизел ёқилғиларининг физик-кимёвий ва эксплуатацион хусусиятларини таҳлили, депрессор қўшимчаларни дизел ёқилғисининг фойдаланиш хусусиятларига таъсири, депрессор қўшимчасининг самарадорлигига дизел ёқилғисининг углеводород гуруҳларни таъсири ўрганилди.

**Газ-суюқлик хроматографияси ёрдамида дизел ёқилғисидаги н-алканлар миқдорини аниқлаш.** Дизел ёқилғисидаги н-алканлар миқдорини аниқлаш ГЛС томонидан «Agilent Technology» GC 7890B / MS 7000D, хроматографида, 30 м × 0,25 мм × фаза қалинлиги 0,25 мкм ўлчамдаги капилляр устун ёрдамида амалга оширилди (стационар фаза 5 дан иборат). 5% фенилметилсилоксан ва 95% диметилполисилоксан). Ташувчи газ водород, инжектор ҳарорати 280<sup>0</sup>С, устунли термостатни ҳароратини АСТМ Д 2887 га мувофиқ 40 дан 300<sup>0</sup>С гача аниқланади. Хом ашё таркибидаги каттиқ н-алканлар миқдорини аниқлаш хроматографик жиҳатдан соф н-эйкосан (C<sub>20</sub>H<sub>42</sub>, хомашёда 1%) ёрдамида модификацияланган ички стандарт усул ёрдамида амалга оширилди. Усулнинг моҳияти қўшимча равишда киритилган н-эйкозан туфайли C<sub>20</sub>H<sub>42</sub> чўққисининг ортиб бораётган майдонини аниқлаш ва қолган чўққилар майдонлари йиғиндисининг C<sub>20</sub>H<sub>42</sub> чўққисининг ўсиш майдонига нисбатини аниқлашдир.




### 6-расм. Евро-К-5 дизел ёқилғисининг газ хроматографияси масс-спектрометрия таҳлили.

Юқоридаги 6-расмда кўрсатилган ДЁ евро -К-2.1.2-1 дизел ёқилғисининг газ хроматографияси-масс-спектрометрик таҳлилидан биз 10277 минтақада тридекан, 11213 минтақада тетрадекан, 12056 минтақада пентадекан ва 12850 минтақада гексадекан борлигини кўрамиз. 13.610 минтақасида гептадекан мавжудлигини ҳам кўришимиз мумкин.

Хромато-масса спектроскопияси томонидан таҳлил қилинган ДЁ-евро-К-5 маркали дизел ёқилғисидаги углеводородларнинг таркиби ва уларнинг миқдорий нисбати қуйидаги 5 -жадвалда келтирилган.

## ДЁ-евро-К-5 нинг углеводород таркиби

№	н-алканлар	%
1	н-тридекан	5,02
2	н-тетрадекан	33,43
3	н-пентадекан	33,65
4	н-гексадекан	21,44
5	н-гептадекан	5,88
6	Эликосан	0,58
<b>Жами:</b>		<b>100</b>



## 7-расм. ДЁ-ЭКО-Л газ хроматографияси-масс-спектрометрия таҳлили

Юқоридаги 7-расмда кўрсатилган ДЁ-ЭКО-Л газ хроматографияси-масс-спектрометрия таҳлилидан биз 10308 минтақада тридекан, 10226 минтақада тетрадекан, 12060 минтақада пентадекан ва 12012,8 минтақада гексадекан мавжудлигини кўрамиз. Шунингдек, биз 13597 атрофида гептадекан мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Газ хроматография-масс-спектроскопия усулида таҳлил қилинган ДЁ-ЭКО-Л маркали дизел ёқилғиси таркибидаги углеводородлар миқдори ва уларнинг миқдорий улушлари куйидаги жадвалда келтирилган.

6-жадвал.

## ДЁ-Эко-Л углеводород таркиби

№	н-алканлар	%
1	н-тридекан	25,44
2	н-тетрадекан	34,03
3	н-пентадекан	23,21
4	н-гексадекан	12,71
5	н-гептадекан	4,61
<b>Жами:</b>		<b>100</b>

Шундай қилиб, дизел ёқилғисининг эксплуатацион хусусиятларига бевосита таъсир кўрсатадиган энг муҳим кўрсаткичлардан бири н-алканларнинг таркиби ва ММТ бўлиб, турли узунликдаги н-алканларнинг таъсири бир хил эмас. Таркиби  $C_{21}$  ва ундан юқори бўлган (юқори

молекуляр оғирликдаги) парафин углеводородлари дизел ёқилғисининг паст ҳароратли хусусиятларини ёмонлаштиради, занжир узунлиги C<sub>15</sub> гача бўлган n-алканлар (паст молекуляр оғирлик) юқори молекуляр оғирликдаги алканлар учун эритувчи вазифасини бажариши мумкин.

**Депрессор қўшимчаларнинг дизел ёнилғисининг фойдаланиш хусусиятларига таъсирини ўрганиш.** Депрессор қўшимчаларини ўрганишнинг бирламчи босқичи уларнинг мослигини аниқлаш эди, яъни.мосликнинг тўлиқлиги ва динамикасига таъсир қилувчи омилларга қараб ёқилғида эрувчанлик. Шу мақсадда турли ишлаб чиқариш партияларидаги маҳаллий дизел ёқилғисининг 4 та намунаси олинди. 140-160 °C гача қиздирилган ёқилғи намуналарида қўшимчаларнинг эрувчанлиги (оғирлиги %) аниқланди. Турли хил ёқилғи намуналарида қўшимчаларнинг депрессор қўшимча самарадорлигини текшириш натижалари 7-жадвалда келтирилган.

#### 7-жадвал

#### PTGS-1,2,3 PTDS-1,2,3 PTIO-1,2,3 маркали депрессор қўшимчаларини турли концентрациясини дизел ёқилғисига таъсири.

Қўшимча	Ёқилғи намуна-си	Қотиш ҳарорати (Тқ) , °C							
		Қўшимча концентрацияси, %							
		0	0,05	0,1	0,2	0,25	0,43	0,48	0,5
PTGS-1	1	-12	-14	-17	-14	-14	-14	-14	-14
	2	-14	-16	-19	-15	-15	-15	-15	-15
	3	-16	-17	-21	-17	-16	-16	-16	-16
	4	-7	-8	-9	-7	-7	-7	-7	-7
PTGS-2	1	-12	-18	-24	-27	-27	-29	-30	-31
	2	-14	-19	-24	-25	-25	-27	-27	-28
	3	-16	-20	-25	-27	-27	-29	-29	-29
	4	-7	-9	-11	-11	-13	-15	-15	-15
PTDS-1	1	-12	-16	-22	-24	-24	-26	-27	-28
	2	-14	-19	-25	-27	-27	-29	-30	-31
	3	-16	-21	-25	-27	-27	-28	-29	-30
	4	-7	-7	-9	-9	-9	-9	-9	-9
PTGS-3, PTDS-2,3, PTIO-1,2,3	1	-12	-12	-12	-14	-12	-12	-12	-12
	2	-14	-14	-16	-14	-14	-14	-14	-14
	3	-16	-16	-17	-17	-16	-16	-16	-16
	4	-7	-7	-8	-7	-7	-7	-7	-7

7-жадвалдан кўришиб турибдики, PTGS-2 қўшимчалари ёқилғи намуналарининг Тқ ни камайтиришга энг катта таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, PTGS-2 0,2% концентрацияда киритилганда, намуна-1 ёнилғисига қотиш ҳароратининг пасайиши 15°C ни ташкил қилади ва 0,5% гача кўтарилганда 19 °C га етади.

Депрессор қўшимчасининг самарадорлигини ўрганиш турли ишлаб чиқариш партияларидан 4 та ёзги дизел ёқилғиси (ЁДЁ) намуналарида ўтказилди (8-жадвал).

## 8-жадвал

**PTGS-1 маркали депрессор кўшимча концентрациясининг дизел ёқилғисининг қотиш ҳароратга таъсири, °С**

Ёқилғи	Кўшимчанинг концентрацияси, %									
	0	0,045	0,05	0,09	0,1	0,125	0,2	0,3	0,4	0,5
ЁДЁ 1	- 15	---	- 26	---	- 28	- 29	- 30	- 31	- 32	-33
ЁДЁ 2	- 11	- 27	---	- 28	- 29	---	- 30	- 31	- 33	---
ЁДЁ 3	- 12	---	- 24	---	- 25	---	- 27	- 28	- 29	- 29
ЁДЁ 4	- 16	- 27	---	- 28	---	---	- 29	- 30	- 31	- 33

8-жадвалдаги маълумотлардан келиб чиқадики, депрессор кўшимчаси ЁДЁ 2 ёқилғида энг самарали ҳисобланади. Шундай қилиб, у оғирлиги 0,045% микдорида киритилганда, қотиш ҳарорати минус 11 °С дан минус 27 °С гача сезиларли даражада камайди. Концентрациянинг ошиши билан кўшимчанинг депрессор кўшимча самарадорлиги оғирлиги 0,4% га ошади. ёқилғисининг минимал қотиш ҳароратига эришилади, минус 33 °С га тенг.

**Таклиф этилаётган депрессор кўшимчаларнинг Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида импорт ва маҳаллий аналоглар билан солиштириш асосидаги синов тажрибалари.** Синтез қилинган депрессор кўшимчаси ёрдамида асосий дизел ёқилғисининг паст ҳароратли хусусиятларини яхшилаш бўйича асосий лаборатория ва операцион тадқиқотлар натижалари келтирилган. Депрессор кўшимчасининг самарадорлигини ўрганиш турли хил ишлаб чиқариш партияларининг асосий дизел ёқилғисининг 2 та намунасида амалга оширилди (9-10- жадваллар).

## 9- жадвал

